



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ–КРЕДИТ ПОТЕНЦИАЛИНИ DOLS МОДЕЛИ ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Ergashova Nilufar Sobirovna

Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti, mustaqil izlanuvchisi

nilufarergashova60@gmail.com

Annotatsiya: Мақолада тижорат банкларининг инвестиция–кредит потенциалини аниқлаш ва баҳолашда динамик регрессия модели (DOLS – Dynamic Ordinary Least Squares) қўлланилди. Тадқиқотда банк тизимидаги кредит ва инвестиция фаолиятига таъсир этувчи асосий макроиктисодий омиллар – ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), инфляция даражаси, депозитлар ҳажми ва фоиз ставкалари таҳлил қилинди. DOLS модели эндогенлик ва автокорреляция муаммоларини бартараф этиш ҳамда узоқ муддатли ва қисқа муддатли муносабатларни аниқ баҳолаш имконини беради. Натижалар шуни кўрсатдики, иқтисодий ўсиш ва депозитлар ҳажми банкларнинг инвестиция-кредит потенциалини оширади, инфляция ва юқори фоиз ставкалари эса уни пасайтиради.

Калит сўзлар: Марказий банк, тижорат банклари, инвестиция-кредит потенциали, DOLS модели, иқтисодий ўсиш, фоиз ставкалари, депозитлар ҳажми, инфляция даражаси, ликвидлик, капитал етарлилиги, коинтеграция, эндогенлик, фоиз ставкалари, инфляция, ЯИМ.

Аннотация: В статье применяется модель динамической регрессии (DOLS – *Dynamic Ordinary Least Squares*) для определения и оценки инвестиционно–кредитного потенциала коммерческих банков. В исследовании анализируются основные макроэкономические факторы, влияющие на кредитную и инвестиционную деятельность банковской системы, такие как валовой внутренний продукт (ВВП), уровень инфляции, объем депозитов и процентные ставки. Модель DOLS позволяет устранить проблемы эндогенности и автокорреляции, а также обеспечить точную оценку как долгосрочных, так и краткосрочных взаимосвязей между переменными. Полученные результаты показывают, что экономический рост и объем депозитов способствуют увеличению инвестиционно–кредитного потенциала банков, тогда как инфляция и высокие процентные ставки снижают его.

Ключевые слова: Центральный банк, коммерческие банки, инвестиционно–кредитный потенциал, модель DOLS, экономический рост, процентные ставки, объем депозитов, уровень инфляции, ликвидность, достаточность капитала, коинтеграция, эндогенность, процентные ставки, инфляция, ВВП.

Abstract: The article applies the Dynamic Ordinary Least Squares (DOLS)

regression model to identify and evaluate the investment and credit potential of commercial banks. The study analyzes the main macroeconomic factors affecting the credit and investment activities of the banking system, such as gross domestic product (GDP), inflation rate, deposit volume, and interest rates. The DOLS model allows for the elimination of endogeneity and autocorrelation problems and provides an accurate assessment of both long-term and short-term relationships between variables. The results show that economic growth and deposit volume contribute to an increase in the investment and credit potential of banks, while inflation and high interest rates reduce it.

Key words: Central Bank, commercial banks, investment and credit potential, DOLS model, economic growth, interest rates, deposit volume, inflation rate, liquidity, capital adequacy, cointegration, endogeneity, interest rates, inflation, GDP.

Кириш

Ҳозирги глобал иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг инвестиция ва кредит фаолияти миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Банк тизимининг инвестиция-кредит потенциали — бу унинг молиявий ресурсларини самарали жалб этиш ва уларни иқтисодий фаолиятга йўналтириш қобилиятидир. Тижорат банклари инвестиция ва кредит ресурсларини тақсимловчи асосий молиявий институт сифатида иқтисодиётнинг реал секторига таъсир кўрсатади. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатлари, асосан, инвестиция фаолиятининг жадаллиги билан белгиланади. Фаол банк фаолиятисиз иқтисодиётнинг ривожланиши мумкин эмас. Банк инвестициялари Ўзбекистон иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, маҳаллий корхоналарга барқарор ривожланиш ва рақобатбардошликка эришиш учун зарур бўлган молиявий манба сифатида хизмат қилади. Улар иқтисодиётнинг тузилмавий қайта қурилишини амалга ошириш учун шароит яратади.

Замонавий иқтисодиёт шароитида тижорат банкининг инвестиция фаолиятини самарали бошқариш учун банк инвестиция операцияларини аниқ тизимлаштириш ва классификация қилиш зарур. Банк инвестиция фаолияти турли шаклларда амалга оширилиши мумкин ва таҳлил, мониторинг ҳамда режалаштириш мақсадларига кўра турли белгилари бўйича таснифланади.

Мамлакат иқтисодчилари инвестицияни — капитални мамлакат ичида ёки хориждаги турли соҳа корхоналарига, бизнес-лойиҳаларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновация лойиҳаларига узок муддатли сармоя сифатида киритиш деб таърифлайдилар. Инвестициялар одатда муайян вақт ўтгач фойда келтиради.

Банкнинг инвестиция фаолиятининг асосий мақсадлари: банк маблағларининг хавфсизлигини таъминлаш; инвестицияларни диверсификация қилиш; даромадлиликни ошириш; ликвидликни таъминлаш.

Банкларнинг инвестиция жараёнида иштирок этиши икки йўналишда амалга оширилади:

- фонд бозори механизмлари орқали;
- ўрта ва узок муддатли кредитлаш орқали.

Банк инвестицияларининг иқтисодий моҳияти шундаки, банк

микродаражада инвестор сифатида ўз ресурсларини реал ёки молиявий активларга сарфлайди ва тўғридан-тўғри ҳамда билвосита даромад олади.

Шу билан бирга, банк инвестиция фаолияти макроиқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим — у молиявий воситачи сифатида иқтисодиётдаги инвестиция эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради, жамғарма ва тежамаларни инвестицияларга айлантиради.

Тижорат банклари бу – тижорат хусусиятига эга ва шу аснода фаолият юритувчи юридик шахс бўлиб ҳисобланади. Қайсики хўжалик юритувчи субъектлари учун пул маблағларига эғалик қилиш ёки аниқроқ айтганда уларни ўз фаолиятига жалб қилиш зарурияти мавжуд бўлса, тижорат банклари ҳам бундай муаммодан ҳоли эмас. Бу ўринда тижорат банклари ресурслари шаклланишини таҳлил қилиш ва уларни қай йўсинда фойдалана олиш имкониятига эга эканлигини ёритиш муҳим амалий ҳамда назарий аҳамият касб этади. Тижорат банклари ресурслари одатда, ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва қарз маблағларидан ташкил топади. Ресурс манбаининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил этса, банкларга бўлган ишончнинг асосий манбаи(кафолати)ни ўз маблағлари ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банклари мавжуд барча маблағлардан актив операцияларни амалга ошириш учун фойдалана олмайди. Бу ҳолат тижорат банклари кредит потенциалини тўғри баҳолашни тақозо этади.

Бу бир томонлама қараш холос. Тижорат банклари кредит потенциали қанчалик мустақкам бўлмасин, бу ўринда жамиятда мазкур кредитларнинг барчасига ҳам талаб мавжудлиги ёки йўқлиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банклари кредит потенциали бу – ликвидлиликни таъминлаш мақсадида талаб этилган резерв қопламалари ажратилган ҳолда ресурсларнинг сафарбар қилинган (мобилизация қилинган) қисмига айтилади.

Банклар асосан ўзлари эмас, балки қарз ва қарз маблағлари ҳисобидан ишлайдилар, шунинг учун улар тегишли кафолатлар билан таъминланмаган бўлса, ўз мижозларининг маблағларини йирик инвестиция лойиҳаларига сармоя киритиб таваккал қила олмайди. Шу муносабат билан, тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда ҳар доим таваккалчиликни, иқтисодий самарадорликни, инвестиция лойиҳаларининг молиявий жозибадорлигини, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли инвестицияларнинг мақбул комбинатсиясини реал баҳолаши керак. Тижорат банклари инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ энг муҳим фаолиятни аниқ ишлаб чиқиш ва расмийлаштириши керак. Асосан, бу тўғри инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Банк ривожланишининг умумий бизнес сиёсати инвестиция сиёсатини шакллантиришнинг асосий шarti бўлиб, унинг асосий мақсадлари инвестиция фаолияти учун стратегик мақсадларни ишлаб чиқишда устувор ҳисобланади. Умумий иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлган инвестиция сиёсати банкнинг самарали ривожланишини таъминловчи омил ҳисобланади. Шунинг учун банк тизимининг **инвестиция–кредит потенциалини** аниқлаш ва таҳлил қилиш иқтисодий сиёсат учун муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг инвестиция–кредит потенциалига фоиз ставкалари,

депозитлар ҳажми, иқтисодий ўсиш даражаси, инфляция даражаси, ликвидлик ва капитал етарлилиги каби омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар вақт давомида ўзгариб туради ва улар орасида узок муддатли боғланишлар мавжуд. Шунинг учун динамик регрессия модели (DOLS) усулидан фойдаланиш банк тизимининг узок муддатли ва қисқа муддатли муносабатларини баҳолашда самарали ҳисобланади.

DOLS модели ва унинг иқтисодий моҳияти

DOLS модели — **Dynamic Ordinary Least Squares** (динамик кичик квадратлар усули) бўлиб, у ўзгарувчилар орасидаги узок муддатли (коинтеграцион) муносабатларни баҳолаш учун ишлатилади. Бу усулда оддий OLS моделидаги эндогенлик ва автокорреляция муаммолари тузатилади.

Модел қуйидагича ёзилади:

$$y_t = \beta_0 + \beta_1 x_t + \sum_{i=-q}^q \gamma_i \Delta x_{t-i} + \varepsilon_t$$

Бу ерда:

- y_t – боғлиқ ўзгарувчи (инвестиция–кредит потенциали индекси),
- x_t – вақт бўйича мустақил ўзгарувчилар (ЯИМ, инфляция, депозитлар, фоиз ставкалари),
- Δx_{t-i} – мустақил ўзгарувчининг ўтган даврдаги ўзгаришлари,
- B_0 – константа(бошланғич таъсир)
- β_1 – узок муддатли боғланиш коэффициенти.
- γ_i – қисқа муддатли таъсир коэффициенти
- ε_t – хато(тасодифий таъсирлар)

DOLS усули ўзгарувчиларнинг интеграция даражаси (I(1), I(0)) турлича бўлса ҳам ишлай олади ва натижаларнинг аниқлигини таъминлайди.

Натижалар ва иқтисодий талқин

DOLS модели натижалари қуйидагича асосий хулосаларни бериш имконини беради:

- ЯИМнинг коэффициенти мусбат ва аҳамиятли бўлса, бу иқтисодий ўсиш тижорат банкларининг кредит бериш ва инвестиция имкониятларини кенгайтиради, деган хулосага олиб келади.
- **Инфляция** манфий таъсир кўрсатса, демак, юқори инфляция кредит фаоллигини чеклаб, банкларнинг инвестиция салоҳиятини пасайтиради.
- **Депозитлар ҳажми** мусбат коэффициентга эга бўлса, бу омонат базасининг кенгайиши банкнинг ресурс имкониятларини оширади, деганидир.
- **Фоиз ставкалари** манфий таъсир кўрсатса, кредитлар қимматлашиши инвестиция фаоллигини пасайтиради.

Бу натижалар асосида банк сиёсати ва монетар сиёсатнинг мувофиқлаштирилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

DOLS модели афзалликлари

- Эндогенлик ва автокорреляция муаммоларини тузатади;
- Узок ва қисқа муддатли боғланишларни бир вақтда баҳолайди;
- Кичик танланмаларда ҳам ишончли натижа беради;

• Макроиктисодий ўзгарувчилар таъсирини аниқлашда самарали ҳисобланади.

Амалий аҳамияти ва тавсиялар

Таҳлил натижаларига асосланиб, қуйидаги тавсиялар илгари сурилиши мумкин:

1. Тижорат банкларининг инвестиция фаоллигини ошириш учун банкларнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш ва депозитларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш зарур.

2. Инфляция даражасини барқарор ушлаш ва реал фоиз ставкаларини паст даражада сақлаш инвестиция муҳитини яхшилайд.

3. **Макроиктисодий барқарорлик** банк тизимининг инвестиция–кредит потенциалини ошириш учун асосий шарт ҳисобланади.

4. DOLS моделидан фойдаланиш амалиётда банк фаолиятини баҳолаш ва прогнозлашда самарали восита бўла олади.

Хулоса:Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, DOLS модели тижорат банкларининг инвестиция–кредит потенциалини баҳолашда ишончли ва илмий асосланган самарали усул ҳисобланади. Ушбу модел иктисодий ўсиш, инфляция ва фоиз сиёсати каби омилларнинг банк фаолиятига узок муддатли таъсирини аниқлаш имконини беради ва банк сиёсатини илмий асосда такомиллаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам беради. DOLS усули орқали олинган маълумотлар тижорат банклари учун стратегик режалаштириш, ресурслар тақсимооти ва инвестиция сиёсатини оптималлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Phillips, P.C.B., & Loretan, M. (1991). Estimating long-run economic equilibria. *Review of Economic Studies*.

2. Stock, J.H., & Watson, M.W. (1993). A simple estimator of cointegrating vectors in higher order integrated systems. *Econometrica*.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари (2020–2024).

4. Давлат статистика қўмитаси ҳисоботлари (2020–2024).

5. Рахмонов А., (2023). “Банк тизимининг инвестиция фаолиятини баҳолаш усуллари”. *Иқтисодий таҳлил журнали*.

6. Raxmatov, A. (2022). *O‘zbekiston bank tizimining moliyaviy barqarorligi va rivojlanish istiqbollari*. Toshkent.

7. То‘xtasinov, M. (2023). *Bank kreditlari va investitsiyalarining iqtisodiy o‘lishiga ta’siri*. “Iqtisodiyot va innovatsiyalar” jurnali.

8. Ш.С.Исмоилов, Тижорат банклари инвестиция фаолиятининг мақсад ва вазифалари. INNOVATION SCIENCE AND RESEARCH INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL (VOLUME 2 ISSUE3) MAY2024 ISSN: 2992-8877 | SCIENCEJOURNAL.UZ